

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2025 йил июнь ойининг 25 куни, Тошкент туманлараро маъмурий суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида, судья _____ раислигида, судья ёрдамчиси _____ котиблигида, Шайхонтохур тумани прокурорининг катта ёрдамчиси С.О.Эргашева иштирокида, аризачи _____ нинг жавобгар Адлия вазирлигига нисбатан “Hi-Pad” товар белгиси учун фуқаро М.М.Исамиддинов номига 12.10.2018 йилда берилган MGU34491-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган _____ -сонли маъмурий ишни очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи _____ (кейинги ўринларда – Аризачи деб юритилади) судга ариза бериб, унда автомашиналар эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишини, Ўзбекистонга 2017 йилнинг август ойидан бошлаб “Hi-Pad” бренди остида тўхтатиш колодкасини (тормозная колодка) етказиб беришни бошлаганлигини, “Hi-Pad” товар белгиси учун фуқаро М.М.Исамиддинов номига 12.10.2018 йилда берилган MGU 34491-сонли гувоҳнома берилганлигини, шундан сўнг, маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга тўсқинлик қилаётганлигини, ўша вақтда товар белгисини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлса-да, Адлия вазирлиги томонидан қонунга зид равишда “Hi-Pad” товар белгиси учун фуқаро М.М.Исамиддинов номига рўйхатга олинганлигини маълум қилиб, ушбу гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида Тошкент давлат юридик университетида жалб қилинган мутахассис _____ қонунчиликнинг 02.02.2022 йилга қадар амалда бўлган таҳририга кўра, фақатгина тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) товар белгисини ўз номига рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлганлигини маълум қилган.

Суд мажлисида Аризачи вакили, адвокат _____ талабни қувватлаб, унда келтирилган вазларни такрорлаб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида Жавобгар вакили _____ аризани қаноатлантиришни рад қилишни сўради.

Дастлабки суд мажлислари учинчи шахс М.М.Исамиддинов ва уни вакили, адвокат Д.А.Худжановлар иштирок этган бўлса-да, тегишли тарзда хабардор қилинган кейинги суд мажлисига келмаган.

Шу сабабли, суд, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 148-моддасига асосан ишни учинчи шахснинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида Шайхонтохур туман прокурорининг катта ёрдамчиси _____ аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида фикр билдирди.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва мутахассиснинг тушунтиришини ҳамда прокурор фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги ҳулосага келади.

Маъмурий суд ишларини қонун ҳужжатларидаги кодекснинг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс узининг оузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

Иш ҳужжатларига кўра, “Hi-Pad” товар белгиси учун фуқаро М.М.Исамиддинов номига 12.10.2018 йилда Товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифининг:

- 7-синфи (машина ва дастгоҳлар; двигателлар (ер усти транспорт воситалари учун мўлжалланганидан ташқари); узатма бирикмалари ва элементлари иш компонентлари (ер усти транспорт воситалари учун мўлжалланганидан ташқари);

- 12-синфи (тормоз колодкалари);

- 17-синфи (машиналар деталларини ҳимоялаш учун резина муфтлар; резинали клапанлар; резина ҳалқалар; резинали амортизаторлар; резинали чеклагичлар; герметизациялаш учун резинали полотно; резинали ҳалқали прокладкалар; резинали гидравлик шланглар; резинали саноат шлангалари; резина ҳалқалар, трубопроводларни герметизациялаш учун ишлатиладиганлари) бўйича MGU 34491-сонли гувоҳнома берилган.

Бундан норози бўлган Аризачи гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд, иш бўйича аниқланган ва текширилган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларга кўра, Аризачиларнинг важларини қисман асосли деб ҳисоблайди.

Жумладан, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини 15.09.2017 санаси ҳолатига таҳририни (кейинги ўринларда – Қонун деб юритилади) 1-моддасига кўра, ушбу Қонун товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 3-моддасига асосан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Қонуннинг 4-моддаси 2-қисмига кўра, товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини 6-моддаси 1-қисмига асосан якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Мазкур Қонунни 4-моддаси 1-қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Бироқ, Адлия вазирлиги низолашилаётган гувоҳномани беришдан аввал талабнома берувчи якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини текширмаган.

Ўз навбатида, учинчи шахс М.М.Исамиддинов томонидан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлигини (шуғулланаётганлигини) тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмади.

Қайд этилган қонунчилик билан жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тартиб-таомиллари белгиланганлиги сабабли суд, учинчи шахс вакили, адвокат Д.А.Худжановнинг гувоҳнома берилган вақтда М.М.Исамиддинов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи масъули чекланган жамиятда таъсисчи бўлганлиги ҳақидаги важи билан келишмайди.

Қонунни 24-моддаси 1-қисмига асосан товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бироқ, мазкур ҳолат аризачининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмайди.

Чунки, Қонуннинг 4-моддаси 1-қисмига кўра, Товар белгиси ҳуқуқий жихатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Аризачининг “Hi-Pad” товар белгисига бўлган ҳуқуқи Ўзбекистонда ҳам, Кореяда ҳам (“Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисида” халқаро шартномага Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси аъзо бўлганлигини инобатга олиб) давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Шунингдек, Қонунни 24-моддаси 2-қисмига кўра, товар белгиси эгасининг ҳаракатлари белгиланган тартибда инсофсиз рақобат факти деб топилган тақдирда, товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд мажлисида Аризачи вакили, адвокат рақобат соҳасидаги ваколатли давлат органга (Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси(монополияга қарши орган)) шикоят берилмаганлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, суд, Аризачининг учинчи шахсни маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишига тўсқинлик қилаётганлиги ва

судга мурожаат қилиш орқали маҳсулотларни савдога таклиф қилишни тақиқлаётганлиги ҳақидаги вазлари билан келишмайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддаси 1-қисмига асосан агар ушбу Кодексда маъмурий ишлар бўйича исботлаш мажбуриятлари тақсимланишининг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар ўз талабларига ёки эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳақиқий ҳолатларни исботлаши керак.

Бироқ, судга Аризачи томонидан маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқлангани ёки чекланганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси 2-қисмига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шу сабабли, судга шикоят берилганлиги ҳолатини Аризачининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки, бундай ҳолатда шахснинг судга шикоят қилишда ифодаланган конституциявий ҳуқуқи чекланиб қолади.

Суд, судга мурожаат қилиш муддатини муҳокама қилиб, Қонунни 24-моддаси 1-қисмига асосан товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланганлигини инобатга олиб, муддатни ўтмаган деб ҳисоблайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси учинчи қисмига кўра, суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Шу сабабли, суд, Аризачининг талабини қаноатлантиришни рад этиш лозим деб ҳисоблайди.

Суд, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, уни қуйидагича тақсимлайди.

Судга ариза беришда Аризачи томонидан 37 500 сўм почта харажатлари ва 3 750 000 сўм давлат божи тўланган.

“Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрь кунидаги 20-сон Қарорининг 16-бандида умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлаши белгиланган.

Шу сабабли, суд, суд харажатларини Аризачи зиммасида қолдириб, почта харажатлари ва давлат божи тўланганлигини инобатга олиб, ундан Олий суд депозитига 93 750 сўм видеоконференцалоқа харажатларини ундиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 11, 115, 154-158, 189-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:


Аризачи нинг жавобгар Адлия вазирлигига нисбатан “Hi-Pad” товар белгиси учун фуқаро М.М.Исамиддинов номига 12.10.2018 йилда берилган MGU34491-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш рад этилсин.

хисобидан Олий суд депозитига 93 750 сўм видеоконференцалоқа харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар маъмурий судига апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, қарор қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят берилиши ёхуд протест келтирилиши мумкин.

Иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган бўлса, ҳал қилув қарори устидан тафтиш тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас.

Раислик қилувчи



Б.З.Камилов